

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ишлаб чиқариш

«ПАРКЕНТ»НИНГ МАҲСУЛОТИ СИФАТЛИ

Кичик бизнеснинг улкан имкониятлар манбаи эканлигини яхши билган Паркент тумани тадбиркорлари бозорларимизни импорт ўринини босувчи, сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб улуш қўшмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига қаратаётган алоҳида эътибори, яратиб бераётган имтиёз ва имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашда уларнинг иштироки ортиб бормоқда. Буюртма асосида маҳсул иш кийимлари ишлаб чиқараётган «Паркент» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан.

Бундан ўн йилларча олдин кичик бир цехда фаолиятини бошлаган корхона бугун хилла йириклашган. Шунга яраша ишчилари сони ҳам юздан ошмоқда.

Асосий мақсадимиз муттаҳид маҳсулот сифатини яхшилаб, харидорлар талабига мослаштириш, дейди корхона раҳбари Исроил Файзуллаев. Чунки, бозорларимизда сифатли маҳ-



сулотлар талабига. Бунда, сифат ва нарх уйғунлигини таъминлаш рақобатда ютиш учун муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда қўлай тадбиркорлик муҳити яратилиб, бор имкониятлар ишга солинмоқда. Бунда айниқса тадбиркорларга берилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда.

И. Файзуллаев ҳам ўтган йили банкдан олган 245 минг АҚШ доллари кредити эвазига фаолиятини кенгайтди. Чет элдан олиб келинган замонавий тўқув машиналарида ишлаётганларнинг аксарияти коллежни битирган ёшлардир.

Паркент ижтимоий-иқтисодий коллежини битириб, ушбу корхона-

га ишга жойлашдим, дейди Дилноза Ҳожиёва. Ўзим ёқтирган иш билан машғул эканлигимдан хурсандман. Ҳамкасбаримнинг аксарияти тенгқурларим.

Бу каби корхоналар аҳолини иш билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмак бериш ҳамда ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда, дей-

ди туман ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Дилшод Азимбоев. Жорий йилда ҳам ёлғиз кексалар, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилаларга маблағ ажратилди. Мунтазам ҳомийлик ёрдами курсатилмоқда.

Келгусида корхона кўй жунини қайта ишлашни йўлга қўймоқчи. Чунки, махсус кийимлар

учун ёқани бошқалардан сотиб олиш анча қimmatга тушмоқда. Шу иш йўлга қўйилса, биринчидан маҳсулотнинг таннари арзонлашади. Иккинчидан янги иш ўринлари очилган замин яратилади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

УМИДЖОННИНГ УМИДИ КАТТА

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида абитуриентлар давлат тест синовларини топширди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ёшларимизда эл-юрт осойишталиги, осмонимиз мусоффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида хизмат қилиб, Ватан ҳимояси учун камарбаста бўлишга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётди. Миллий армиямиз сафларини интеллектуал салоҳияти юксак, дунёқараши кенг, Ватани ва қасамбегида содиқ малакали офицер кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида танк, ҳаво-десант, зенит-ракет қўшинлари, терроризмга қарши кураш ва махсус операция кучлари бўлиналари тактик қўмондонликлари ва бошқа йўналишлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Ҳарбий таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва симуляция воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Курсантларнинг ҳарбий мутахассис сифатидаги маҳорати, кўникма ва малакаси, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш ишлари уйғун олиб борилаётди.

Жорий йилда ҳам ана шундай мақсадларни ўз олдига қўйган абитуриентлар мазкур билим юртига ҳужжат топширди. Улар орасида фарғоналик Умиджон Неъматов ҳам бор.

Болалигимдан техника воситаларини бошқаришга қизиқман, дейди Умиджон. – Йиллар ўтиши билан қизиқшим мақсадга айланди. Ушбу билим юртига ўқишга кириш учун жиддий тайёргарлик кўрдим. Тест синовларидан муваффақиятли ўтсам, ҳарбий билим юртида соҳа бўйича кўникмага эга бўлиб, Ватанимизга астойдил хизмат қилиш олий мақсадимдир.

Б.ҲИДОЯТОВ, ўзА мухбири.

ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Кўпгина давлатларда сиёсий беқарорлик, рецессия давом этаётганига қарамай, республикаимизда 2014 йилда ялли ички маҳсулот 8,1, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши 6,9, капитал қурилиш ҳажми 10,9 фоизга ўсди.

Айниқса, Президентимиз раҳнамолигида аҳоли даромадларининг оширилиши борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат ижобий натижалар бермоқда. Хусусан, ушбу йўналишдаги ишлар тизимли давом эттирилиб, ўтган йили бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 23,2 фоизга ўсди, аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги устувор йўналишларни амалга оширишда ҳар бир ишчи, деҳқон, фермер ёки бошқа соҳа ходими бўладими, шу юрт фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини

қўшаётгани, оддий қилиб айтганда, инсонларнинг фаол иштироки сезиларли даражада кўзга ташланмоқда.

Юртимиз 24 йиллик мустақил тарақиётни давомидида қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан ўтди. Шу ўтган давр зарварларига назар ташлаб, унинг ҳар бир кўни янгиликсиз, ривожланишсиз, бунёдкорликсиз кечмаганлигига гувоҳ бўламиз. Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб бизга ҳавас билан қарашгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда одамларимизнинг фикри-зиқри, дунёга, ҳаётга қараш тубдан ўзгариб, тобора юксалиб бораётган сиёсий савияси ва ҳуқуқий мада-

нияти, фаол гражданлик позицияси, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган азму қарор билан олдинга интилаётгани биз эришган ва келгусида қўлга киритадиган катта-катта ютуқ ва марраларнинг мустаҳкам пойдеворида айланаётганини кўрсатиб, англамаслик ва бундан олмаслик мумкин эмас.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти»нинг 62-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ 89-Дўстобод сайлов округида Окқўрғон ва Қўйи Чирчиқ туманлари сайловчилари билан учрашуларда айнан шулар ҳақида гап борди.

Мулоқотлар давомида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» доирасида қабул қилинган қонунлар, шунингдек, ушбу қонунлар юзасидан амалга оширилган ишлар иштирокчилар диққат марказида бўлди.

Ушбу учрашуларнинг муҳим томони, қабул қилинган қонунларнинг ижросини, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун катта имкониятга эга бўлиди.

Бугунги депутатнинг олдида ўз сайловчилари манфаатлари турганини асло унутмаслик асосий бурчимиздир. Бинобарин, халқ ишончини оқлаш йўлида бор қуч-қайратимизни ишга солиб ишлашимиз шарт.

Ақмал УМАРАЛИЕВ, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Эътироф

Берн шаҳрида Ўзбекистон ва Швейцария ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йигини бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат вазири, идора ва компанияларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йигилиш чоғида Швейцария томони Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлари, республика ҳукумати-

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШВЕЙЦАРИЯ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ФАОЛЛАШТИРМОҚДА

Шу муносабат билан сармоя соҳасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштиришга йўналтирилган аниқ-равшан тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан келишувга эришилди.

Хусусан, яқин вақт ичиди дори-дармон, тўқимачилик, озик-овқат, кимё, машинасозлик, электр техникаси ва бошқа соҳалардаги аниқ сармоявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалаларини муҳокама этиш учун Швейцария компаниялари делегациясининг Ўзбекистонга сафари уюштирилди.

Йигилиш натижалари бўйича Комиссиянинг якуний протоколи ҳамда «Ўзбекистонда профессио-

Юксак маънавият – енгилмас куч

Катта кўчани кесиб ўтишга қийналаётган онахонни кўрган икки бола кўмакка шошилди.

– Тарбия берган ота-онанинг минг раҳмат, – деди ая уларни алқаб.

Ҳа, халқимизда «Катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўл», деган нақл бор. Азал-азалдан ёши улуглар қадрлиб, нурунийлар давранинг тўрига ўтказилиб, иззат-ҳурмат кўрсатилади. Бу қон-қонимизга сингиб кетган анъаналар. Ёш авлод шу муҳитда, ана шундай миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбияланади. Зеро, бу авлодлар ўртасидаги мувозанатни сақлайдиган, уларни маънавий яқинлаштирадиган ворисийликнинг ифодасидир.

НИМА ЎРИШНИ ИСТАСАНГ, ЎШАНИ ЭК!

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ворисийлик маънавиятининг ўқилди, асосий таянчи, аждодларимизнинг бебаҳо меросидир. Унинг ўрни ва аҳамиятига доимий равишда ургу берилаётгани, жамоатчилик эътиборини бунга мунтазам қаратиш чоралари кўрилатгани ҳам бежиз эмас. Бу тушунча ижтимоий барқарорлиқни таъминловчи энг устувор омил ҳамда баркамол инсон маънавиятини белгилловчи бош мезон сифатида тавсифланади.

Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замири-

да имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, эркинлик маънавиятини шакллантиришдек эзгу мақсад мужассам. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахсни тарбиялаш асосий вазифадир. Маънавият ҳар томонлама соғлом инсоннинг интеллектуал ва руҳий оламини ҳаракатлантирувчи куч бўлса, тарихий хотирага эга-лик, аждодлар меросини ўзлаштирилганлик, бир сўз билан айтганда, ворисийлик маънавиятининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ҚУТЛУФ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги тобора яқинлашиб келаётган бир пайтда юртимизнинг барча гўшалари, маҳаллаларда иш қизғин. Бунинг 28 минг 115 аҳоли истикомат қилаётган Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида кўришимиз мумкин.

Йигин таркибига қирадиган барча маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари кетмоқда, дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нортожи Тиркашев. – Бугунги кунгача ариқлар тозаланиб, дархатлар оқланди, турли гул кўчатлари экилд. Байрамга тайёргарлик авжида.

Ҳар сешанба кўни қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳалла раислари ва маслаҳатчиларининг ҳафталик ҳисоботлари кўни этиб белгиланган. Ҳисобот пайтида ҳар бир маҳаллада содир бўлаётган воқеа-ҳодисадан хабардор бўлилади, маънавий муаммолар вақтида ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилади.

Маҳалла фаоллари ёшлар тарбиясига жиддий эътибор бериб, турли уч-

рашу ва тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларни ўтказишдан мақсад жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва бошқа мутаассадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорлиқни янада кучайтириш, одам савдосига қарши курашиш, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олишдир.

Маҳаллаларда посбонлар ва профилактика инспекторлари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда вайронкор гоиларга қарши бир қатор ишлар амалга ошириллапти, дейди раис. – Ёшларимиз бўш вақтини қаерда, қим билан ўтказётганини назоратга олиш учун ота-она, таълим муассасаси, маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

«Жаҳон» АА.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚСИЗ

"Бугун фахрийларимизнинг хурмати жойига қўйиб, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимиз-

ни кучайтириш, самарасини ошириш зарур". Президентимизнинг ушбу сўзлари мамлакатимизда ёши улугларга ғамхўрлик борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани, десак муболаға бўлмайди.

Зеро, кексалар ҳолдан хабар олиш, уларга меҳрибонлик қилиб, эъзозлаш ўзбекона анъаналаримиздан-дир. Бу анъана Кексаларни эъзозлаш йилида янада мустаҳкамланмоқда.

Нуроний отахон-онахонларимизнинг кўнглиларини кўтаришга бағишланган яна бир тадбир Кибрай туманидаги фахрийларни соғломлаштириш сихатгоҳида

ўтказилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, маънавият маркази, касабаяушмаси, "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида ўтган тадбирга тумандаги Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчилари, ёши улуг отахон-онахонлар тақдиф этилдилар.

Тадбирда 2-сонли болалар муҳика ва санъат мактаби тарбияланувчи-

лари муҳика қиқиллари билан барчага яхши кайфият улаштирди. Шунингдек, "Ораста қизлар" кўрик-танлови ғолиблари ўзларининг ашула ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Элимиз суйган шоирларнинг таширифи тадбирга янада файз бағишлади.

Ирода НОРОБОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.



Пискент туманидаги Ёшлар боғида 2014-2015 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчи ёшларини иш билан таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ва коллеж битирувчиларига диплом топириш маросими ўтказилди.

КОЛЛЕЖДА
ДИПЛОМЛАР
ТОПИРИЛДИ



Битирувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан тумандаги барча таълим масканларида зарур чора-тадбирлар қўрилган. Тегишли ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама имзоланган шартномаларга кўра, дипломли ёш мутахассислар тез кунларда меҳнат фаолиятини бошлайди.

Тадбир давомида коллежни имтиёзли диплом билан битирган ёшларга "Қамолот" ЁИХ Пискент тумани кенгаши ҳамда банклар томонидан совғалар ва кичик бизнес йўналишида сертификатлар тақдим этилди. Ушбу тадбирда "Бо-жалар" гуруҳи хонанда-си Жаҳонгир Фозил-жонов ўз кўшиклари билан ёшларимизга хуш кайфият улаштирди.

"Туркистон-пресс".

Бугуннинг гапи

ОФТОБ ТИФИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Бу йилги мавсумнинг ўтган йилларга нисбатан юқори ҳароратда, хусусан, ўртача кунлик ҳаво ҳароратининг 10 ва ундан юқори даражага кўтарилиши ва бу ҳол бир неча кун сурункали давом этиши фуқароларимиз эътиборига соғлиқларини асраш борасида катта масъулият юклайди. Чунки, юқори ҳаво ҳарорати тананимизнинг нормал ҳароратини 37,1 дан 38,8 гача кўтариши мумкин. Бундай ҳолларда узоқ иссиқда қолишлик тананимизнинг қаттиқ қизиқ кетишига, оқибатда иссиқ ва қуёш уришига олиб келади. Шунингдек, хушдан кетиш, нафас

олиш ва юрак уришининг тўхташига сабаб бўлади.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларга учрамаслик учун оддийгина хавфсизлик қоидаларига амал қилиш лозим.

Авалло, керакли суз заҳирасини яратинг ва уни тежаб ишлатинг. Ҳаво ҳароратини мўътадиллаштирувчи ускуналар, вентилятор ва кондиционерлар шайлигини таъминланг. Оч рангдаги, илоҳи борича табиий мато-дан тайёрланган, ҳаво ўтказувчанлиги яхши бўлган кийим кийинг. Шошилмасдан, соя-салқинда ҳаракатланг. Спиртли ичимлик-

Юксак маънавият – энгилмас куч

Кеча ва бугун, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги кўприк, боғловчи ришталар бу миллий қадриятлар, анъаналардир. Буни ёшлар онгига сингдиришда, ҳар томонлама баркамол, соғлом тафаккурли авлоднинг вояга етказишда катта авлоднинг ўрни беқиёс.

Бегоналашаётган авлод

Кўшимининг ўғли яқинда хориждан қайтди. Унинг айтишича, кўпгина хорижий давлатларда катталар ва ёшлар ўртасида дунёни англаш, ҳаётга бўлган муносабат масаласида икки хил ёндашувнинг шаклланиши авж олмақда. Улар маънавий жиҳатдан бир-бирдан бегоналашиб бораётир, бир халқнинг икки авлоди турмуш тарзида икки хил талқин, бир-бирини инкор этувчи, моҳиятан қарама-қарши икки маданий эҳтиёж асосида яшаш одатий ҳолга айланимқда. Бунинг оқибатида катталарнинг ёшларга, ўз фарзандларига айтадиган гаплари, насихат ва ўғитлари бесамад кетмоқда. Улар ҳеч қандай тарбиявий асосга эга бўлмаётир. Бир миллат ичидаги ворисийлик анъаналарининг узилаётгани ёшлар катталарни тушунишни мутлақо истамасдигани, ўз навбатида катталар ҳам ёшларни тушунолмайд қолгани, деб изоҳлаш мумкин.

Шукри, юртимизда бу борадаги манзара мутлақо бошқача.

Жамоат транспортида ёши катталарга жой бергани учун отасидан рағбат олган ўқувчи шу руҳда тарбияланади. Кундалик турмуш воқеалари мезониди берилаётган тарбия асосида ота-она ва фарзанд, бобо-буви ва набиралар ўртасидаги бир-бирини қадрлаш анъанаси янада мустаҳкамланмоқда. Хохши, сўз ва амал бирлигининг ифодаси бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бунда оила, маҳалла, жамоат жойларида, таълим муассасаларидаги ўғитлар ёшларга илҳомий таъсир кўрсатади. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўргатади, деб изоҳлаш мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ниш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, ёшлар ҳаётини позицияни белгиловчи, инсон маънавиятига жиддий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омилллар қаторида аввало оила, таълим муассасалари, телевидениени қайд этгани эътиборлидир. "Оила муҳитида кимнинг фикри қарор чиқариш учун асос бўлади?" деган саволга етимиш олти фоиздан кўпроқ ёшлар ота-она, бобо-буви, ундан кейин опа ва ака-

кўрганни белгилайдиган омилларида биридир. Бувиларимиз набира-ларига эзгуликка тўла эртақлар, тез айтишулар парлар айтиб беради. Самимият, қадриятларга тўла ривоятларни такрор-такрор сўзлашади. Уларнинг туриш-турмушлари, амалу ўғитлари, суҳбатлари ёшлар учун катта мактаб, ҳаётини сабоққа айланади. Улар қиз набираларига: "Қиз бола озода, саранжом-саришта бўлиш керак. Ёганинг тоза бўлмаса, ўзинг касаллик-

этибор кўрсатиш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёш авлод тарбиясидаги ўрнини юксалтиришдек эзгу мақсадлар мужассам.

Мустақиллик йилларида катталарга хурмат, кичикларга эззат, меҳр-оқибат туйғулари янада мустаҳкамланди. Аждодлар хотирасини ёд этиш, бугун ёнимизда юрган, элу юрт равнақи, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимиз фаровонлиги учун хизмат қилган нуронийларни

Жорий йилда икки мингдан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси-га юртимизда ишлаб чиқарилган қўл телефонлари тақдим этилди. Шу билан бирга, бу йил ўттиз еттига соғломлаштириш объектида йигирма бир минг уруш ва меҳнат fronti фахрийси ўз саломатлигини мустаҳкамлайди. Санаторий-соғломлаштириш мажмуаларида ёши улуг кексалар учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилди.

Бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ва киллари учун мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, хусусан, Самарқанд, Хива, Бухоро, Термизга, муқаддас қадамжоларга саёхатлар уюштирилмоқда. "Авлодлар учрашуви" лойиҳаси доирасида улар иштирокида маҳаллалар, таълим масканларида ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Кексаларни моддий, маънавий-руҳий рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар самарасида роҳат-фароғатда умргузаронлик қилиб, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини сўраб дуо қилаётган нуронийларимизнинг умрлари узаймоқда.

...Мақтабда ўқиб юрган кезларим дарсдан сўнг ўйга шошиб қайтардим. Чунки бобом ва буви-нинг эртақлари, кўнглига хуш ёқувчи ўғитлари, ҳаётини тажрибалари, ҳикояларини эшитишга ошиқардим... Энди бобом ва буви ўрнига ота-онам набираларига ана шундай панд-насихатларни беради. Улар билан суҳбат, албатта, бугунги кунга шукрона билан якунланади.

Авлодларга миллий анъаналарни етказиш халқимизга хос қадриятдир. Бу яхши амаллар мўътабар кексаларимизга, томонидан амалга оширилди. "Нима эксанг, шуни ўрасан", деган нақлнинг тилдан-тилга ўтиб юриши ҳам бежиз эмас.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА мухбири.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида мустақил фикрли, қатъий ҳаётини позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларни паст савияли "Интернет тармоғи" таъсиридан асраш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

ИНТЕРНЕТГА МУТЕЛИК ҲАМ ИЛЛАТ

Тошкент Давлат аграр университетида Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими "Хавфсиз интернет" лойиҳаси доирасида "Интернет хавфсизлиги ва ёшларда интернет маданиятини шакллантириш" мавзусида семинар ўтказди. Семинарда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, Ахборот технология ва коммуникацияларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбек жаңг санъати федерацияси, вилоят ИИБ ва киллари ва талаба-

ёшлар иштирок этди. Бу каби тадбирлар йил якунига қадар мунтазам ўтказилиши режалаштирилган.

Зеро, "Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласида давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир".

Бактиёр МИРЗАБЕКОВ, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими бош мутахассиси.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан ҳар ойнинг биринчи сешанбасида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

ўтказилади.

Ишонч телефони

ташқил этилган.

Ишонч телефони рақами:
(0371) 233-68-25.



лири умуман истёмоли қилмаган маъқул. Чунки, алкоҳоль маҳсулотлар тана ҳароратини кўтарилишига олиб келади. Шифокор билан маслаҳатлашиб, жазирама натижасида тананда йўқотиладиган туз ўрнини тўлдиринг чораларини кўринг. Овқатланиш рақобатинингизга кўпроқ мева ва полиз маҳсулотларини киритинг. Шунингдек, жазирама иссиқдан сақланиш учун кўпроқ суяқлик ичиш, куннинг энг иссиқ палласи, яъни соат 12 дан 16 гача кўчага чиқмаслик, илоҳи борича тез-тез душ қабул қилиш ва, албатта, бош кийим кийиш тавсия этилади.

Иссиқ уриши ҳолати юз берганда эса, зудлик билан салқин ёки шамол бор жойга ўтинг. Бунда энгил душ қабул қилиш ва мунтазам оз-оздан сув ичиш лозим. Шунингдек, танани совутишга ҳаракат қилиш керак.

Ҳозир кўпчилигимиз муздек хонада, кондиционер қаршидан жой олганмиз. Аммо, шуни унутмаслик лозимки, тўғридан-тўғри совуқ ҳаво оқими қаршида меъридан ортқ ўтириш соғлиғини учун жуда хавфли. Чунки, ушбу совуқ ҳаво таркибида кўп-кўп бактериялар мавжуд бўлиб, сурункали бронхит каби касалликларни келтириб чиқаради.

Соғлиғимиз учун биринчи навбатда ўзимиз масъулмиз. Шундай экан, ўзимизни асрашимиз лозим.

Гулмира АРИПОВА,
Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси.

Қадриятларимиз



Саховат – муҳтож инсонга Аллоҳ йўлида ҳолис ва самимий ёрдам қўлини қўйишдир. Меҳмон бўлиб турган муборак Рамазон ойи айнан саховат денгизи бўлиб-тошадиган гўзал бир палладир.

Ҳадиси шарифларда айтилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) саховатли Зот эдилар, аммо Рамазон ойида саховатлари яна ҳам кўпайиб, етимларга, бечора мискинларга, умуман, муҳтож инсонларга саҳийлик билан моддий кўмак берар эдилар.

Қолаверса, Рамазон рўзасини тутиш фақат ебичишдан ва рўзани бузувчи бошқа амаллардан тийилишигина эмас, балки тилни, кўзни, қулоқни, қалбни ёмон сўз, ўй ва

ғийбатлардан ҳам пок асрамоқ демакдир. Рўзадор ўзга одамнинг қалбига озор бериши мумкин эмас. Боши раҳмат, ўртаси марҳамат ва охири мағфират бўлган бу муборак ойда гуноҳлар кечирилади, шайтонлар занжирбанд этилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ойда гина-қудратлар унутилади, яқинлардан, бошқалардан ўтган айбу гуноҳлар кечирилади, эҳсонлар кўпайтирилади. Ҳушмуомала бўлишга, инсонлар кўнглини олишга, уларни ранжитмасликка ҳаракат қилинади.

Айниқса, бу ойда саховатли инсонлар ўтказаятган ифторликларнинг ихчам тарзда бўлишига эътибор қаратишимиз

Инсонларни ўзаро яқинлаштирувчи, меҳру муҳаббат ришталарини мустаҳкамловчи гўзал амаллар борки, уларни ҳаётимизга қанчалик кўп

татбиқ қилсак, жамиятда шунчалик фаровонлик, дўстона муносабатлар қарор топади. Мана шундай хайрли ишлардан бири – саховатдир.

ФАЗИЛАТЛИ ОЙ

лозим. Ортиқча дабдабадан холи, содда кўринишда рўзадор ва мискинларга ифторлик бериб, кўпроқ муҳтожларга моддий-амалий ҳолис ёрдам кўрсатиш айнан динимизнинг талабидир.

Ҳадиси шарифда "Саҳийлик бир дарахтдирки, унинг илдизи жаннатда ва шохлари дунёга тушган, ким унинг шохларидан бирини ушласа, жаннатга етказиши" дейилади. Таъкидланганидек, Рамазон ойидаги мурувват, хайр-саховатнинг савоби зиёда билан берилади. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.): "Одам боласининг ҳамма амали бир неча баробар оширилади: битта яхшилик ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтирилади", деганлар. Яъни, айнан Рамазонда қилинган бир яхшиликнинг ажр-муқофоти беҳад улғурдир.

Рамазон ойида ҳар бир мусулмон фитр садака беради. Фитр садака икки килограмм бугдой

миқдорини ташкил этиб, фақатгина эҳтиёжманд инсонлар учун берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам рўза ойининг гўзал фазилатларидан биридир.

Юртбошимизнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарорлари моҳиятида эътиқодимизга, динимизга, миллий қадриятларимизга бўлган юксак эҳтиром ва ҳурмат бор. Қолаверса, ойнаи жаҳон орқали Рамазонга бағишланган кўрсатув эълон қилинаётгани, масжидларимизда таровеҳ намозларининг эмин-эркин, хотиржамликда адо этилаётгани ҳам ҳукумати-мизнинг жонқуярлиги, ғамхўрлиги меваси деб баралла айта оламиз.

Ҳадиси шарифларда Расулulloҳ (с.а.в.) рўза тутиб, ҳеч қандай савоб-

га эга бўлмаган, кунларини фақат очлик ва чанқоқликда ўтказган инсонлар ҳақида марҳамат қилганлар. Гап рўза тутиб, ёмон амалларни, дилозорликни, ғийбатни, ёлғонни тўхтатмаган инсонлар ҳақида кетмоқда. Демак, рўза фақат тан учун эмас, балки қалб, руҳ учун ҳам поклик олиб келар экан. Шунинг учун рўза – руҳ шифоси, дея таърифланиши бежиз эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай дейдилар: "Рўза пардадир. Бирортангиз рўза тутса, ёмон гапирмасин ва бақириб-чақирмасин. Бирор киши уни сўкса ёки уришса, "Мен рўзадорман!" десин".

Рамазон рўзасининг фазилати кўп. Унинг жисмон соғлом бўлишимиз учун сабаб бўладиган фойдаларидан кўра руҳий етуқликка етаклайдиган жиҳатлари ҳам анчагина. Расулulloҳ (с.а.в.): "Ҳар бир нарсанинг закоти, яъни тозаловчиси бўлади. Жасаднинг закоти рўза-

дир ва рўза сабрнинг ярмидир", деб марҳамат қилганлар. Демак, рўза жисмни покловчи воситадир. Унинг покловчилик вазифасида жуда кўп ҳикматлар бор. Шунингдек, "Рўза – сабрнинг ярмидир" деган жумла рўза инсон руҳининг тарбияланишига сабабчи бўлишини билдиради.

Ҳадиси шарифда шундай дейилган: "Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Рамазоннинг биринчи кечасида шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланади. Жаҳаннам эшиклари ёпилур. Улардан бирор эшик очилмас. Жаннат эшиклари очилур, улардан бирор эшик ёпилмас". Ушбу Ҳадиси шарифда Рамазон ойининг кўплаб гўзал фазилатлари ҳақида сўз борган.

Аллоҳ Таоло Рамазонни шарифнинг шарофатидан юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини бардавон қилсин, бу муборак ойда қилган хайрли амалларимиз учун савобларимизни кўпайтириб берсин.

Абдуҳамид ҳожи АБДУҲОЛИҚ ўғли, Пискент туман жоме масжиди бош имом-хатиби.

Болалар ёзи



ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Ангрен шаҳридаги "Йўлчи" оромгоҳида болаларнинг ёзги таътили ҳар томонлама мазмунли ва мароқли ўтиши учун барча шароит яратилган.

Бу ерда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларида маданий ва маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган сахна, маънавият, тўғарак машғулоти хоналари, спорт майдончаси ва кутубхона доимо дам олувчилар билан гавжум.

Куни кеча ушбу масканда шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан "Ёз ўтмоқда сози" деб номланган маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир доирасида спартакиада ҳамда расмлар танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол вояга етказиш

йўлида олиб борилаётган ишлар, улар учун яратиб берилаётган шароитлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Айтиш керакки, ўтказилаётган бундай маданий-маърифий кечалар, спорт мусобақалари ўқувчиларнинг маънавий-интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Шу кунги бўлиб ўтган тадбирларда ҳам масканда ҳордиқ чиқараётган 170 дан ортиқ болалар турли йўналишларда ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.

Тадбир ўқувчи-ёшлар тайёрлаган концерт дастури билан якунланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.



«КАМОЛОТ»ДА ЁЗ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка тумани кенгаши томонидан "Камолот"да ёз шиори остида тадбир ўтказилди.

Туман Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 80 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Тадбирдан қўзланган мақсад ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш тарзи-

га жалб этишдир.

Шу боис тадбирда спортнинг футбол, волейбол, шахмат-шашка, кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда фаол иштирок этган ёшлар ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланган эсдалик совғалари, диплом ва факхий ёрликлар билан тақдирланди.

"Туркистон-пресс".

Мавзуга қайтиб

«ЭҲСОН» ДАСТУРХОНИ

Газетамизнинг 8 июль сониди "Эҳсон" дастурхони" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан таҳририятга кўплаб қўнғироқлар бўлди. Эътиборлиси, газетхонларнинг ақсариёти мақолада келтирилган мулоҳазаларни маъқуллаб юртимизда, тўй ва маъракаларни ихчамлаштириш, эҳсон дастурхонларидаги исрофгарчиликларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан мамнуниқларини айтишди. Шунингдек, орамизда мақола қаҳрамони каби ўзини кўз-кўз қиладиган, юз килолаб ош дамлаб, минг кишига дастурхон ёзадиган "бойваччалар" ҳам борлиги, уларга тенглашиш мақсадида қара-га ботаётганлар ҳақида ҳам фикр билдирдилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида айтишга арзиғулик ишлар амалга оширилаяпти. Бунда Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, Фармонда "Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабаозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва аъёналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳола-ахволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда. Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини сиуистеъмол қиладиган раҳбарлар,

оёғи ердан узилган, ман-малликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бўзилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсонийларига тегмоқда, уларни адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда" дейилган.

Дарвоқе, "Эҳсон" дастурхони" мақоласи ҳақида. Журналист иход киши. У ҳаётни кузатаркан, ўзи кўрган воқеа-хотираларни қозоғга туширади. Бу ўринда у бадий тўқимадан фойдаланиши табиий. Шундай экан, мақола қаҳрамони ҳам бадий тўқима жараёнида шаклланган персонаж. Ундаги сюжетлар эса айнан Пискентда бўлган деган фикрдан ҳолимиз. Чунки мақоладаги каби башанг маросимлар, афсуски, нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг барча ҳудудларида учраб туради.

Мақола муаллифи Фармонда келтирилган "Оммавий ахборот воситалари мазкур фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий аъёналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга эид, тараққиётимизга тўқинлик қиладиган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин" дейилган банди асосида иш кўрган ва одамларни исрофгарчиликдан қайтариб, маблағларини умум учун фойдали, чинакам савоб ишларга сарфлашга даъват этган.

Ушбу мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб бизга кўнғироқ қилган барча газетхонларга миннатдорчилик билдирамиз. **ТАҲРИРИЯТ.**

Кўзгудаги ўзимиз

Фарзанд удли-шудли бўлгани тузук. Ғўдайганидан сақласин. Қанон қарама, бир гапни тарқорайди: "Қўлимдан келмаса нима қилай" эмиш. Одамлар йўқни йўндириб, нималар қилишмаяпти. Қўша-қўша машина минаётган, баланд иморатлар қураётганларнинг қалласи иккита, қўли-оёғи тўртта эмас-ку?..

Саври укаси Қосимхўжа келганда унга ичидagi борини тўкиб солди.

– Жиянингни лапашанг дея олмайман. Оқ-қорани таниган, ўқимишли, икки қизи бор. Одамлар фарзандли бўлиши биланок, туғлаб пул тўплашни бошлашади. Ўзгачанинг тоғгани эса, еб-ичишу кийинишдан ортмайди, – деди укасига Саври опа.


Қосимхўжон опасининг уч киздан кейин талаб олган яқо ёлғиз ўғли ҳақидаги гапларини обдон тинглагач: – Менинг каттам шундай, – деди. – Шукр, ичмайдим, чекмайдим. Лекин топиш-тутишининг мазаси йўқ. Иккови ҳам ўттиздан ошди. – Ҳализамон жиянинг келиб қолди. Яхшилаб тушунтир. Аммо ошириб юборма. Ўзи ҳам сиқилиб юрган бўлса керак. Йўли билан тушунтир.

Ўзгачани кириб келгач, Қосимхўжа жиянига тикилиб, ичидa фaҳрлaниб қўйдим: "Раҳмaтли дaдaсининг қўйиб қўйгaндeк ўзи. Умри ўхшa-масин ишқилиб".

қилиб кетаман.

– Сиқилма жиян, бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Бироз йиғиб қўйганим бор, шуни дастмос қилиб, Рустам билан дам олиш кунлари бо-

СУРАТ



Ўзгачани овқатланиб, бироз ўзига келгач, Қосимхўжа аста гап бошлади:

– Ўзинг биласан, ўртоғинг Рустам ҳам сенга ўхшаб ҳалол-пок, ойлик маошини қаноат қиладим. Ёшлик тош кини дарё, шиддатидан вақтида фойдаланиб қолинмаса, кейин кеч бўлади. – Тўғри айтасиз, тоға. Ўзим ҳам шуни ўйлаб, си-

зорга чиқасизлар...

Кун оралиб, Ўзгачани тоғасига учрашди. Вақда қилинганидек, тоғавачаси билан бозорга қатнай бошлашди.

Бир куни ёнларидан савдо қилувчи Аббос Ўзгачанининг қўлига шипшиди: – Мана бу шимининг нархи ўн олти минг сўм. Хоҳласан, икки баробарига пул-

лашим мумкин.

Унинг гапини қизиқиш билан эшитиб турган Рустам жонланбди:

– Нима дейпсан, ука, шу арзимас нарса қайси аҳмоқ шунча пулга олади? – деди.

Шу пайт Аббос савдо қиладиган пештахтага ёш болали аёл яқинлашиб, шимининг нархини суриштирди.

– Опажон, бўлиши қирк минг сўм. Лекин, сизга ўттиз бешга бераман. Яъни одамга ўхшайсиз, – деди Аббос.

– Ўттиз минг, – деди аёл. – Опа келинг, меники ҳам эмас, сизники ҳам эмас, бўлиши ўттиз икки минг.

Аёл бош силкиди. У кетгач, атрофдаги таниш сотувчилар чапак чалиб юборишди.

Ўзгачани кечгача шу воқеа хаёли билан юрди. Кечқурун уйга қайтгач, онаси:

– Нима бўлди, ўғлим, тобинг йўқми? – дея ҳавотириланиб сўради. Ўғли онасини тинчлатишди ва пешайвонга қўтарилиди. Шу вақт отасининг деворда осилган суратига қўзи тушди. У ўғлига гўё синовчан тикилиб тургандек эди. Эртасидан Ўзгачани бозорни йиғиштирди. **Неъмат РАФИҚОВ.**

Bolalik bog'i

Daraxt dermish

"Eshik, beshik, romga" der, "Tandir, o'choq, tomga" der, Bolta tinmas, ingrayman: "Sopin o'zim berganman..."

Kinoya

Bir kuni buvam menga Aytdi ajib kinoya: Odamlardan odamni Itlar qilar himoya...

Choynak dermish

Jonga tegdi egilish, Qora choy-u ko'k choylar. Bu dunyoda bormikan, Piylasi yo'q joylar?

Yaxshi

Ming bir yolg'on javobdan Rost bir javob yaxshidir.

To'ppa-to'g'ri qilichdan Egri o'roq yaxshidir.

Bo'lmaydi

Qanoti yo'q qush bo'lmaydi, Ta'biri yo'q tush bo'lmaydi. Bir sochi yo'q bosh bo'lar-u Jimjiloqsiz mustht bo'lmaydi.

Kecha

Ikki do'stmas, bir chaqimchi Murodiga yetdi kecha. Qil sig'magan oralardan Ola mushuk o'tdi kecha...

Birni o'qib

Birni o'qib Kulging kelsa, O'lgina kelsa Birni o'qib, Odam ekansan...

Madinabonu SAIDOVA.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ	Бош муҳаррир	Манзили:	Телефонлар:	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.	Навбатчи муҳаррир
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА	Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.	233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).	Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Ирода НОРБОВЕВА
Муассис:		e-mail:	233-38-23, 233-48-08.		Навбатчи
Тошкент вилояти ҳокимлиги		th.tp@mail.ru	Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.		Муқаллас ИСРОИЛОВА
			Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.		Саҳифаловчи
					Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ

Ҳафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-3411.

Адади 8491.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғоқ бичими А-2.

ISSN 2010-9318.